ФМ

1994–4233 ISSN

# Филология Масалалари

ИЛМИЙ-МЕТОДИК ЖУРНАЛ

O'ZBEKISTON DAVLAT JAHON TILLARI UNIVERSITETI

O'zDJTU

2007/3(16)

1994—4233 ISSN

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

# ФИЛОЛОГИЯ МАСАЛАЛАРИ

ЖУРНАЛ 2002 ЙИЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ЙИЛИГА 4 МАРТА ЧИҚАДИ

2007/3(16)

ТОШКЕНТ—2007

мукаммаллашиб, изоҳлари билан бирга, кенг китобхонлар оммасига янада тушунарлироқ бўлиб борди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳайитметов А. “Мажолис ун-нафоис” ҳақида баъзи мулоҳазалар// Ўзбек тили ва адабиёти. 1958, 1-сон.

2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. — Тошкент, 1917. (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида мазкур нашрнинг етти нусхаси сақланади. Инвентар рақамлари: 11989-; 3761-; 3762-; 3763-; 3764-; 3765-; 9035-.)

3. Бартольд В. В. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Собр.соч., Том II (2). — Москва, 1964.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ

# «БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ»ДАГИ ЯНГИ АНИҚЛАНГАН СЎЗ ВА ИБОРАЛАР

Мақолада Алишер Навоийнинг *“Бадоеъ-ул-бидоя”* девонидаги шоир асарлари тилининг изоҳли луғатига кирмай қолган тушунилиши қийин сўзлар рўйхати берилган.

В статье приводится список слов из дивана *“Бадоеъ ул-бидоя”* отсутствующих в толковом словаре произведений Алишера Навои.

The article covers the newly found words of the language in the work *Badai’ ul-bidaya.*

Алишер Навоий асарлари бўйича тузилган луғатлар жуда узоқ тарихга эга. Дастлабки луғатларнинг XVI асрга тегишлилиги бунга далолатдир. XX асрга келиб улуғ шоир асарларининг бир қанча луғатлари яратилди. Улар орасида «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (АНАТИЛ) муҳим ўрин тутади. Бироқ уммонга қиёслаш мумкин бўлган Навоий асарларидаги сўзлар ҳатто шундай катта луғатга ҳам кирмай қолган. Бунинг турли сабаблари бор.

Мазкур ишимизда ана шу изоҳли луғатга кирмай қолган сўз ва ибораларни «Бадоеъ ул-бидоя» девони мисолида аниқлаб чиқдик.

Дебоча бўйича АНАТИЛга(3) кирмай қолган 49 сўз ва ибора аниқланди. Улар қуйидагилардир:

**Адлойин** — адолатли, инсофли, ҳақиқатпарвар, адолатманд:

***Адлойинеким**, раият риоятида инсофи деҳқони мададидин Миррихи қаҳтандеш савобит доналарин сипеҳр мазраъида экти*(ББ, 15).

**Туркийшиор** — туркийнишонли; шўхфеълли:

*Ва ғариброқ буким, ғаройиби маоний истисоби учун ғаробат иқлимларида*

*табъ сайёҳини ғурбатга солғон форсийдисор ва* ***туркийшиор*** *йигитлар сарҳайли ёри азиз Суҳайлий дома тавфиқаҳким...*(ББ, 15).

**Маҳофил** — базм жойи, мажлис; анжуман:

*Ва дурарбор тилига мажолисда баъзи абётим мазкур ва гавҳарнисор илгига* ***маҳофилда*** *баъзи ғазалиётим мастур бўлур эрди*(ББ, 15); бўлмамоғлиқ [21]**, ганжбахш[15], далирлик[24], дақойиқшиор[24], аторуд [18] дома[15], зойид ул-ҳад[22—23], интисоблиқ[13], ишвагарлик[22], каронсиз[16], латофатомиз[21], кишваркушойлиқ[15], латофатшиор[15], мавъизотосо[21], мавъизапардоз[21], мавъизатангиз[21], манфаатангиз[22], манфаатлиқ[17], мафтунлуғ[23], пероста[17], махтут[13], машуқшева[13], мулкистон[15], мулкистонлиқ[15], мушаввашлиқ[21], насиҳаторо[21], насиҳатсоз[21], ошиқпеша [13], сипеҳриқтидор[17], хамсазийнат[22], ситтазийнат[22], таҳарруклик[15], тийражонлиқ[19], фикрий[24], хирқачоқ[14], хоназода[17, 19], хорнамойлиқ[22], хуморлиқ[13], чархкирдор[24], чобуклуқ[15], шоҳнома[18], эҳроқ[21], қилмоқлиқ[24], қиссагузор[12], ҳақойиқдисор[24], бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим[21].

Ғазаллар қисмидан АНАТИЛга кирмай қолган 146, қайтариғи билан 164 сўз ва ибора аниқланди: Жумладан, қуйидаги сўз ва иборалар тушиб қолган:

**Ишрабу ё айюҳал атшон** — ичингиз, эй ташналар:

*Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин*
***«Ишрабу ё айюҳал ат-шон»*** *келур ҳар дам нидо*(ББ, 29).

**Зубда** — сарвар, сара[Оллоҳ]:

*Чун коинот* ***зубдаси*** *ожиз кўриб ўзин,*
*Ҳамд эта олмас онча фасоҳат била санга*(ББ, 31).

**Фирқат** — фироқ, айрилиқ:

*Не учун киймиш қаро ҳар ён солиб жайбиға чок,*
***Фирқатингдин*** *Каъба гар қолмайдурур мотам аро?*(ББ, 33).

**Водийи хуррам** — шодлик водийси, хурсандлик водийси; поклик водийси; дилписандлик водийси:

*Йўл эмас, Ясрибда йиртибдур юрин тирноғ ила*
*Мақдаминг то етмади ул* ***водийи хуррам*** *аро*(ББ, 33).

**Фалактафторлиғ** — фалакдек тез юрадиган, фалакдек тез айланадиган:

*Гар қуёш зангин* ***фалактафторлиғ*** *рахшингга ос*
*Ким тузар ул занг павҳанг нағмасин афғон аро*(ББ, 41).

16-ғазалда 1 сўз: уннобгун[41]; 17-ғазалда 1 сўз: нася[42]; 20-ғазалда 1

та сўз: мўрча[44]; 39-ғазалда 1 сўз: исмат уд-дунё[60]; 43-ғазалда 1 сўз: балосиз[62]; 51-ғазалда 1 сўз: баракс[68]; 56-ғазалда 1 сўз: шишла-[72]; 64-ғазалда 1 сўз: ҳуркут-[78]; 65-ғазалда 1 сўз: хоссалиллоҳ[78]; 66-ғазалда 2 сўз: қатлойин[79]; шаръсиз[79]; 68-ғазалда 1 сўз: хастасиз[81]; 72-ғазалда 2 сўз: барасл[84]; чивур-[85]; 90-ғазалда 2 сўз алайҳис-салом[98]; улвий-хиром[101]; 94-ғазалда 2 сўз: нақд ул-ганж[101]; тариғ[101]; 101-ғазалда 1 сўз бирикмаси: 102-ғазалда 1 сўз: Насуҳ[106]; 105-ғазалда 1 сўз: барқан-дон[109]; 107-ғазалда 1 сўз: зўрбозу[110]; 109-ғазалда 1 сўз: заҳрошом[111]; 113-ғазалда 1 арабий ибора: «заҳабно водиял-мақсад, важадно моҳувал-мақ-суд»[115]; 121-ғазалда 1 сўз: пилниҳодий[120]; 122-ғазалда 1 сўз: ҳижор[122]; 127-ғазалда 1 сўз: мубримшева[125]; 129-ғазалда 1 сўз: меъжар[126]; 141-ғазалда 1 сўз: меҳнатхона[135]; 145-ғазалда 1 сўз: елланмак[138]; 168-ғазалда 1 сўз: савод ул-важҳ[153]; 195-ғазалда 1 сўз: хамёза [172]; 198-ғазалда 1 сўз: гулгунқабо[175]; 199-ғазалда 1 сўз: муфаттин175]; 206-ғазал-да 1 сўз: юпқа[181]; 216-ғазалда 1 сўз: куҳанпир[188]; 225-ғазалда 1 сўз: меъжар[195]; 234-ғазалда 6 сўз: ғамсиз[201]; намсиз[201]; ҳамдамсиз[201]; марҳамсиз[201]; мотамсиз[201]; хамсиз[201], 236-ғазалда 1 сўз: дарсхон[202]; 239-ғазалда 7 сўз: гулзорсиз[204]; гулрухсорсиз[204]; озорсиз [204]; дилдор-сиз [204]; зуннорсиз[204]; хорсиз[205]; хуммórсиз [204]; 243-ғазалда 1 сўз: ёрмаш-[207]; 253-ғазалда 5 сўз: қурбонсиз[214]; пайконсиз[214]; поён-сиз[214]; султонсиз[214]; афғонсиз[214], 255-ғазалда 1 сўз: таҳоратсиз[215]; 256-ғазалда 2 сўз: беқонун[216]; шуҳра[216]; 264-ғазалда 1 сўз: кўнгилсиз-лик[221]; 265-ғазалда 1 сўз: бегор[222]; 266-ғазалда 1 сўз: заҳрчашм[223]; 267-ғазалда 2 сўз: шаҳна[224]; шуҳра [224]; 271-ғазалда 1 сўз: муҳав-вис[228]; 273-ғазалда 3 сўз: журмсиз[228]; сурмасиз [228]; вўсмасиз[228]; 274-ғазалда 1 сўз: миҳор[230]; 276-ғазалда 1 сўз: руфу- қил[232]; 280-ғазалда 2 сўз: дардисар[234]; сенсиз[234]; 284-ғазалда 3 сўз: ҳадсиз[236]; мўрхат[237]; тоқил-[237]; 285-ғазалда 2 сўз: балолиқ[237]; озодалик[237]; 292-ғазалда 1 сўз: сархаш[242]; 306-ғазалда 1 сўз: тузсиз[252]; 309-ғазалда 3 сўз ва ибора: сандологин[254]; шужоъ[13]; жавазал-иснайни шоъ[255]; 310-ғазалда 1 сўз: дунёлик[255]; 311-ғазалда 1 сўз: асраъ[256]; 313-ғазалда 1 сўз: шамъжабин[257]; 315-ғазалда 3 сўз: ва сўз бирикмаси: музлам[259]; шариъ[259]; расули алайҳиссалом[259]; 321-ғазалда 1 сўз: сенсиз[264]; 323-ғазалда 2 сўз: душманкомлиғ[265]; хомлиғ[265]; 324-ғазалда 1 сўз: фалакмиқдорлиқ[266]; 325-ғазалда 1 сўз: сустпаймонлиқ[266]; 326-ғазалда 2 сўз: офатсиз[267]; лавкашиф[267]; 338-ғазалда 1 сўз: чиллавор[276]; 339-ғазалда 1 сўз: борғулуқ[277]; 247-ғазалда 1 сўз: таҳаккум[282]; 369-ғазалда 1 сўз: намнок[292]; 368-ғазалда 1 сўз: қулмош[296]; 379-ғазалда 1 сўз: силкинчак[304]; 392-ғазалда 1 сўз: заман [314]; 395-ғазалда 1 сўз: сабзагун, 403-ғазалда 1 сўз: паркпайванд[321]; 406-ғазалда 1 сўз: куҳан-

пир[324]; 407-ғазалда 1 сўз: сенсиз[325]; 417-ғазалда бир сўз: залум[332]; 421-ғазалда 1 сўз: ёғинсиз[334]; 425-ғазалда 1 сўз: меъжар[337]; 431-ғазалда 1 сўз: айпан[341]; 440-ғазалда 1 сўз: бемаломат[347]; 442-ғазалда 2 сўз: талиъ[348]; сенлик[349]; 459-ғазалда 2 сўз: жононсиз[360]; ибтилосиз[360]; 461-ғазалда 1 сўз: сенсиз[362]; 462-ғазалда 1 сўз: дукулдамак[362]; 478-ғазалда 1 сўз: кўнгулсиз[374]; 482-ғазалда 1 сўз: синуқтур-[376]; 485-ғазалда 1 сўз: қарорсиз[379]; 495-ғазалда 1 сўз: ашксиз[385]; 498-ғазалда 1 сўз: пурхамлиқ[387]; 504-ғазалда 1 сўз: беган[392]; 533-ғазалда 1 сўз: гулсиз [412]; 540-ғазалда 1 сўз: катун[417]; 544-ғазалда 1 сўз: беган-[419]; 546-ғазалда 1 сўз: мунгай-[421]; 561-ғазалда 1 сўз: озодий[431]; 568-ғазалда 1 сўз: шамъсиз[435]; 574-ғазалда 1 сўз: барак[440]; 577-ғазалда 1 сўз: ёзғучи[442]; 589-ғазалда 1 сўз: шанжарф[451]; 593-ғазалда 1 сўз: шаксиз[454]; 599-ғазалда 1 сўз: беган-[459]; 607-ғазалда 1 сўз: беган-[465]; 610-ғазалда 1 та арабий ибора: «лаилоҳа иллоҳу»[467]; 619-ғазалда 2 сўз ва арабий ибора: зав[473]; «лаилоҳа иллоҳу»[473]; 623-ғазалда 1 сўз: фиғонлиқ [476]; 675-ғазалда 1 сўз: ношукрлуғ[477]; 633-ғазалда 1 сўз: мухаммар [482]; 637-ғазалда 1 сўз: меъжар[484]; 646-ғазалда 1 сўз: хўлиқ[491]; 658-ғазалда 1 сўз: жилавдор[498]; 660-ғазалда 2 сўз: мухтал[500]; мухтола[500]; 671-ғазалда 1 сўз: тулғи[507]; 672-ғазалда 1 сўз: йўнмоқлиқ[508]; 674-ғазалда 1 арабий бирикма: фи амонуллоҳ[509]; 684-ғазалда 1 сўз: кўзанак[516]; 684-ғазалда 1 сўз: қўймамоқ[518]; 698-ғазалда 1 сўз: озурдажон[525]; 699-ғазалда 1 сўз: афсурдадил[526]; 703-ғазалда 1 сўз: қийматий[528]; 708-ғазалда 1 сўз: гулфомий[532]; 714-ғазалда 1 сўз: қиссапардоз[535]; 723-ғазалда 1 сўз: уйқусиз[541]; 739-ғазалда 1 сўз: муқаммирпеша[552]; 757-ғазалда 1 сўз: руҳошом[564]; 758-ғазалда 1 сўз: шайтонсифат[564]; 770-ғазалда 1 сўз: майолуд[573].

Мустазодлар бўйича АНАТИЛга қайд этилмаган 1 сўз аниқланди: ишфоқ [581].

Мухаммаслар қисмида луғатга кирмай қолган 4 сўз аниқланди:

3-мухаммасда 1 сўз: меҳрафрўз[589]; 5-мухаммасда 3 сўз: дилдорсиз [592]; гулрухсорсиз[592]; гулзорсиз[592].

Мусаддаслар бўйича АННАТИЛда эътироф этилмаган 5 сўз аниқланди, улар қуйидагилар: 1-мусаддасда 2 сўз ва арабий сўз бирикмаси: ли мааллоҳ, банақд[596]; 2-мусаддасда 3 сўз: гаждум[597]; қўнормоғлиғ[597]; сулс[597].

Таржиъбандлардан луғатга кирмай қолган 13 сўз аниқланди. Улар қуйидагилар: 1 таржибанднинг V қисмида 2 сўз: дурдкашлик[604]; паривор[605]; VI қисмида 1 сўз: майсиз[606]; IX қисмида 1 сўз: осмоқ[608]; 2 таржиъбанднинг II қисмида 2 сўз: фағфур[611]; шаънауллоҳ[611]; III қисмида 1 арабий ибора: фаҳум лояъруфу ҳозал-маоний[612]; V қисмида 1 сўз: нигунқад[614]; VIII қисмида 2 сўз: шуоъий[617]; меъжар[617]; 3 таржиъбанднинг

V қисмида 1 сўз: шарорлиқ[622]; VI қисмида 1 сўз: ҳай[623]; VII қисмида 1 сўз: беиноят[624].

Қитъалар бўйича луғатга қайд этилмаган 10 сўз ва сўз бирикмалари аниқланди. Улар қуйидагилар: 12-қитъада 1 сўз: дурсиз[630]; 16-қитъада 1 сўз: зиддият[632]; 23-қитъада 2 сўз: фусус[633]; ҳангомсиз[633]; 28- қитъада 1 сўз: саём[635]; 40-қитъада 2 сўз: соклиғ[637]; қўзилиқ[638]; 41-қитъада 3 сўз ва сўз бирикмаси: низом ул-мулк[638]; туткунлуқ[638]; соҳиби аъзам[638].

Рубоийлар қисмида АНАТИЛдан тушириб қолдирилган 7 сўз аниқланди. Улар қуйидагилар: 1-рубоийда 1 арабий ибора: субҳоналлоҳу холиқи зулмажду ало[645]; 17-рубоийда 1 сўз: сабздавож[645]; 53 рубоийда 1 сўз: моътаҳаллал[653]; 60-рубоийда 1 сўз: руъят[654]; 61 рубоийда 2 сўз: парло [654]; тутсағ[654]; 63-рубоийда 1 сўз: меҳрхисол[655].

Луғзлар бўйича АНАТИЛга кирмай қолган 5 сўз аниқланди. Улар қуйидагилар: «Қалам» номли 1-луғзда 2 сўз ва сўз бирикмаси: навозир[663]; киромул-котибин[663]; «Танга» номли 2-луғзда 1 сўз: хумс ул-муборак[663]; «Миқроз» номли 4-луғзда 2 сўз: истизҳор[664]; олмаштур-[664].

Фардлар қисмида луғатга кирмай қолган 2 сўз аниқланди. Улар қуйидагилар: 7-фардда 1 сўз: музаввар[685]; 13-фардда 1 сўз: ранжкаш[686].

Шундай қилиб, «Бадоеъ ул-бидоя» асари бўйича «дебоча»да – 49, ғазалларда – 164, мустазодларда — 1, мухаммасларда — 4, мусаддасларда — 5, таржиъбандларда – 13, қитъаларда — 10, рубоийларда – 7, луғзларда – 5, фардларда 2 сўз ва иборалар АНАТИЛга кирмай қолган. Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» асари бўйича жами 246, такрори билан 260 сўз ва иборалар луғатга кирмай қолганлиги аниқланди.

Алишер Навоий асарларидаги янги аниқланган сўз ва ибораларни ўрганиш, уларни илмий асослаш манбашунослик ва матншуносликнинг муҳим масалаларидандир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. 20 жилдлик. Тошкент, 1987—2003.

2. Алишер Навоий. 20 жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1987.

3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати(АНАТИЛ). 4 жилдлик.1—4-жилдлар. Тошкент, 1983—1985.

*Бадоеъ ул-бидоя (ББ). Қавс ичидаги рақам асар саҳифасини билдиради.

**Кейинги ўринларда янги аниқланган (АНАТИЛга кирмай қолган) сўз ва иборалар ана шу тарзда берилади. Қавс ичидаги рақамлар асар саҳифасини кўрсатади.